


## IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ


2019 йил январь-сентябрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 11 697,8 млрд. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 163,1 % ни ташкил қилди. Асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 3 323,2 млрд. сўми хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 4 014,2 минг сўмни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярмидан кўп улуши, яъни 55,5 фоизи вилоятнинг 6 та ҳудуди ҳиссасига, жумладан Олмалиқ шаҳри 12,4 фоиз, Қибрай тумани 10,2 фоиз, Чирчиқ шаҳри 9,7 фоиз, Оҳангарон шаҳри 8,4 фоиз, Бўстонлик тумани 7,8 фоиз ва Зангиота тумани 7,0 фоизи ҳисобига тўғри келди.

### 2019 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд.сўм)




**2019 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатлари (% да)**



Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Қуйичирчиқ тумани 423,6 фоиз, Чиноз тумани 403,0 фоиз, Оҳангарон шаҳри 389,4 фоиз, Нурафшон шаҳри 300,5 фоиз ва Қибрай туманида 264,6 фоиз ўсиш кузатилди.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори**



Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Оҳангарон шаҳар 26277,7 минг сўм, Нурафшон шаҳар 14601,3 минг сўм, Олмалиқ шаҳар 11174,0 минг сўм ва Чирчиқ шаҳрида 7272,4 минг сўмни ташкил этди. Аксинча паст кўрсаткични Пискент тумани 912,7 минг сўм, Бўка тумани 917,3 минг сўм ва Бекобод туманида 496,7 минг сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан %</i>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>11 697,8</b>	<b>163,1</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>2 912,1</b>	<b>174,7</b>	<b>24,9</b>
бюджет маблағлари	1 650,1	388,1	14,1
ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси	223,1	817,4	1,9
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	762,3	84,5	6,5
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	276,6	88,5	2,4
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>8 785,7</b>	<b>159,5</b>	<b>75,1</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	2 832,3	114,7	24,2
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1 727,9	102,7	14,7
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	2 710,0	838,1	23,2
кафолатланмаган хорижий кредитлар	306,8	211,0	2,6
бошқа хорижий инвестициялар	29,9	х	0,3
аҳоли маблағлари	1 178,8	141,2	10,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юқори кўрсаткич 2019 йил январь-сентябр ойларида корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 2 832,3 млрд.сўм яқунга нисбатан 24,2 % ни ташкил қилди.

## 2019 йил январь-сентябрь ойлари учун асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари

**Марказлашган инвестициялар**



**Марказлашмаган инвестициялар**



Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2019 йилнинг январь-сентябрида 2710,0 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 838,1% ни ташкил қилди. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича етакчи ўринларда Оҳангарон шаҳар 844,0 млрд.сўм, Бўстонлик тумани 256,7 млрд.сўм ва Ангрен шаҳри 228,6 млрд.сўмни ташкил этди. Аксинча тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича Янгийўл шаҳри 4,7 млрд.сўм, Чирчиқ шаҳри 18,0 млрд.сўм ўзлаштирилди.

**Асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция  
ва кафолатланмаган кредитлар**

*(млн.сўм)*

	Хорижий инвестиция ва кредитлар	<i>шундан:</i>		
		тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	кафолатланмаган кредитлар	бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>3 323 206,4</b>	<b>2 710 006,6</b>	<b>306 750,0</b>	<b>29 882,6</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Нурафшон	136 776,1	123 990,0	-	-
Олмалиқ	58 561,5	48 621,4	7 990,4	516,0
Ангрен	228 581,7	228 581,7	-	-
Бекобод	149 045,8	61 643,2	87 402,6	-
Оҳангарон	882 758,5	844 005,2	38 753,3	-
Чирчиқ	97 598,2	18 003,4	-	-
Янгийўл	4 700,4	4 700,4	-	-
<i>туманлар:</i>				
Оққўрғон	69 569,0	29 037,0	-	827,3
Оҳангарон	39 207,7	39 207,7	-	-
Бекобод	2 576,2	1 319,1	-	1 257,1
Бўстонлик	262 495,1	256 666,9	-	4 544,1
Бўка	33 721,2	32 914,9	-	806,3
Қуйичирчиқ	188 575,6	56 752,3	130 310,3	1 513,0
Зангиота	276 758,9	168 544,9	-	1 887,2
Юқоричирчиқ	162 103,4	111 462,6	42 293,3	8 347,5
Қибрай	211 797,3	176 433,4	-	2 879,8
Паркент	23 518,4	22 399,3	-	1 119,0
Пискент	40 437,3	40 101,7	-	335,5
Ўртачирчиқ	181 326,1	177 325,6	-	1 047,8
Чиноз	115 193,9	111 928,6	-	3 265,3
Янгийўл	134 311,6	132 774,9	-	1 536,7
Тошкент	23 592,5	23 592,5	-	-

**2019 йил январь-сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг технологик таркиби**

	<i>жами млрд.сўм</i>	<i>фоизда</i>	<i>Давлат</i>	<i>фоизда</i>	<i>Нодавлат</i>	<i>фоизда</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>11 697,8</b>	<b>100,0</b>	<b>2 293,8</b>	<b>19,6</b>	<b>9 404,0</b>	<b>80,4</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан %</i>						
<i>да</i>						
қурилиш-монтаж ишлари	5 654,6	48,3	1 959,7	16,7	3 694,9	31,6
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	5 032,0	43,1	190,8	1,7	4 841,2	41,4
бошқа ҳаражатлар	1 011,2	8,6	143,3	1,2	867,9	7,4

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг 2019 йил январь-сентябрь ойларида қурилиш-монтаж ишларига йўналтирилган улуши 48,3% ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан юқори улушга эга бўлди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар  
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**


*(млрд.сўм)*

	<i>январь-сентябрь</i>			
	<i>2018 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>	<i>2019 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>
<b>Жами:</b>	<b>6 310,9</b>	<b>100,0</b>	<b>11 697,8</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	647,4	10,3	720,8	6,2

	<i>январь-сентябрь</i>			
	<i>2018 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>	<i>2019 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>
тоғ-кон саноати	1 046,2	16,6	1 621,6	13,9
қайта ишлаш саноати	1 889,2	29,9	3 495,2	29,9
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	173,8	2,8	355,3	3,0
сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш	16,5	0,3	280,8	2,4
қурилиш	149,1	2,4	584,9	5,0
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	236,4	3,7	100,9	0,9
ташиш ва сақлаш	113,8	1,8	540,7	4,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	61,5	1,0	68,3	0,6
алоқа ва ахборотлаштириш	45,0	0,7	53,0	0,5
молия ва суғурта фаолияти	29,0	0,5	75,4	0,6
кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар	51,0	0,8	37,6	0,3
малакавий, илмий ва техникавий фаолият	93,9	1,5	375,9	3,2
маъмурий ва қўшимча хизматлар	31,4	0,5	85,2	0,7
давлат бошқаруви ва мудофааси; мажбурий ижтимоий таъминот	125,8	2,0	688,2	5,9
таълим	119,6	1,9	322,0	2,8
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	144,6	2,2	304,3	2,6
санъат, кўнгиш очиш ва дам олиш	202,6	3,2	460,7	3,9
уй-жой қурилиши	1 128,4	17,8	1 465,0	12,5
бошқа фаолият турлари	5,7	0,1	62,0	0,5



**Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш саноатида 3 495,2 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмида 29,9 %) шундан, металлургия саноати 386,0 млрд.сўм (3,3 %), тўқимачилик маҳсулотлари 903,5 млрд.сўм (7,7 %), резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришда ўзлаштирилган инвестициялар 164,4 млрд.сўм (1,4 %), озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари 381,7 млрд.сўм (3,3 %) инвестициялар жалб қилинди. Тоғ-кон саноатида 1 621,6 млрд.сўм (13,9 %), шундан, металл рудаларини қазиб олишда 1 449,3 млрд.сўм (12,4 %). Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 720,8 млрд.сўм (6,2 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 304,3 млрд.сўм (2,6 %), ташиш ва сақлаш 540,7 млрд. сўм (4,6 %), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш 460,7 млрд.сўм (3,9 %) таълим 322,9 млрд.сўм (2,8 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

## Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши


2019 йил январь-сентябрь ойларида умумий майдони 1005,0 минг кв.м бўлган 6612 та шундан қишлоқ жойларида 837,2 минг кв.м 5554 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2019 йил январь-сентябрь ойларида 3328,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 141,5 %ни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 72,6 %и бинолар ва иншоотларни, 12,1 %и фуқаролик қурилиши объектларини ва 15,3 %и ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 3157,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,9 %ни (2018 йил январь-сентябрь ойига нисбатан ўсиш суръати 139,6 %ни) ташкил қилди.

### Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



**Қурилиш ишлар ҳажмининг ўсиш суръати**  
(2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан, %да)



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Куйичирчиқ тумани 158,8 % ва Оҳангарон шаҳари 156,7 % кузатилди. Аксинча энг паст кўрсаткич Ўртачирчиқ тумани 126,9 % Тошкент тумани 129,6 % ва Оҳангарон туманларида 121,6 %ни ташкил қилди.

2019 йилнинг 1 октябр ҳолатига қурилиш соҳасида 3370 та корхоналар ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 803 тага ёки 31,3 % га кўпдир. Шунингдек, 2019 йил январь-сентябрь ойларида вилоятда 725 та қурилиш соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан 54,3 фоизга кўпайган.

**Рўйхатга ўтганлар сони**

- 2019 йил 1 июлда 3370 та
- 2018 йил 1 июлда 2567 та

**Фаолият кўрсатаётганлар сони**

- 2019 йил 1 июлда 2883 та
- 2018 йил 1 июлда 2243 та

**Янги ташкил этилган сони**

- 2019 йил 1 июлда 725та
- 2018 йил 1 июлда 470 та

2019 йилнинг 1 октябр ҳолатига қурилиш соҳасида 3358 та кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 802 тага

ёки 31,4 % га кўпдир. Шунингдек, 2019 йил январь-сентябрь ойларида вилоятда 725 та кичик бизнес субъектлари янги ташкил этилган, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 256 тага ёки 54,6 фоизга кўпайган.

### Қурилиш соҳасида кичик бизнес субъектларини таҳлили, бирликда

